



ЖАМИЯТИМИЗ РИВОЖИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ПОЙДЕВОРИ

ЭРКИНЛИКЛАРИМИЗ КАФОЛАТИ

Фуқаролар қонун олдида тенгдирлар.

Ўзбекистон фуқароси деган номга эга бўлишнинг ўзидек фуқаронинг давлат билан сиёсий ва ҳуқуқий алоқасини келтириб чиқаради. Ўзбекистонда ягона фуқаролик барқарор этилган. Фуқаро — бу давлатда яшовчи, муайян ҳуқуқий ҳолатга, ҳуқуққа ва бурчга эга бўлган ҳамда давлатга, ҳуқуққа муайян муносабатда бўлувчи киши. У давлат ҳимоясидан фойдаланади ва давлат томонидан зиммасига юклатилган маълум бурчларни бажаради. Фуқаронинг давлат идоралари, меҳнат жамоалари билан ўзаро иш олиб бориши натижасида, маълум ҳуқуқий муносабатлар юзага келади.

Бизда фуқаро билан давлат ўртасида қарама-қаршиликлар тўғрисида сўз ҳам бўлиши мумкин эмас. Чунки, Конституция ва унинг асосида қабул қилинган бошқа қонуларда фуқаронинг ҳар томонлама ривожланиш ва камолотга эришиш имкониятларини яратди. Унга биноан, давлат фуқароларга шахсий, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий соҳаларда кенг ҳуқуқ ва эркинликлар беради ҳамда уларнинг амалга оширилишини кафолатлайди. Шу билан бирга, 19-моддада кўрсатилганидек, фуқароларнинг Конституция ва қонуларда мустақамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсиздир, улардан суд қарорисиз мажмур этишга ёки уларни чеклаб қўйишга ҳеч қим ҳақли эмас. Масалан, 44-моддада биноан, ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг гайриқонуний ҳатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланади.

Давлат фуқароларга (Давоми. Боши 1-бетда).

ҳуқуқ ва эркинликлар бериш билан бирга уларнинг зиммасига маълум масъулиятларни ҳам юклайди. Фуқаролар Конституция ва қонуларга риоя этишга, бошқа кишиларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари, шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилишга ҳамда Конституцияда кўзда тутилган бошқа бурчларни оғиймай бажаришга мажбурдирлар.

Шу билан бир қаторда, Конституцияда ижтимоий ва шахсий манфаатларнинг уйғунлигини расмийлаштирилади ва кафолатлайди. Айни вақтда шахсий манфаатларнинг ижтимоий манфаатларга зид қилмаслигини қонулаштирилган Конституциянинг 20-моддаси фуқароларнинг ўз ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишда бошқа шахсларнинг, давлат ва жамиятнинг қонуний манфаатлари, ҳуқуқлари ва эркинликларига пўтур етказмасликлари шарт, деб белгилайди. Демак, ҳар бир фуқаро Конституцияда эътироф этилган ҳуқуқ ва эркинликлардан фойдаланар экан, фақат ўз манфаатларини ҳисобга олмасдан, бошқа фуқароларнинг манфаатлари билан ҳам ҳисоблашмоғи, қолаверса, жамият ва давлат манфаатларини ҳам унутмаслиги лозим бўлади.

Ушбу инсонпарварлик принципи Конституциянинг бошқа моддаларида янада ривожлантирилган. Масалан, 48-моддада кўра, фуқаролар Конституция ва қонуларга риоя этишга, бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари, шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилишга мажбурдирлар. Бунда ижтимоий манфаатлар билан шахсий манфаатлар уйғунлашиб кетганлигини кўраимиз. Манфаатларнинг бундай бирга қўшилиши фақат ижтимоий адолат қарор топган демократик жамиятга хос-

дир. Шу боис Конституцияда назарда тутилган фуқароларнинг ҳуқуқлари ҳамда эркинликлари уларнинг жамият ва давлат олдидаги бурчлари билан чамбарчас боғлиқдир. Чунки, бир кишининг ҳуқуқи бошқа кишининг бурчига тўғри келади ва унинг акси бўлиши мумкин. Шахс фақат ҳуқуққа эга бўлиб, бошқалар эса, фақат бурчга эга бўлиши мумкин эмас.

Шу ўринда «Шахснинг ҳуқуқи нима-ю, унинг бурчи нима?» деган савол турғилади. Шахснинг ҳуқуқи — бу қонун томонидан руҳсат этилган ва шахс қилиши мумкин бўлган ҳаракатдир. Шахснинг бурчи эса, унинг бажариши зарур деб топилган вазифаси ҳисобланади. Ҳуқуқлар ва бурчларнинг алоқаси демократик жамиятнинг муҳим белгиларидан биридир. Зотан, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 1948 йилда қабул қилинган Инсон ҳуқуқлари ҳақидаги Умумжаҳон Декларациясида ҳам «Ҳар бир киши жамият олдида бурчли бўлиб, фақат ана шу жамиятдагина унинг шахсини эркин ва тўла камол топтириш мумкин» дейилган. Демак, Ўзбекистон Конституцияси ҳалқаро ҳуқуқнинг ана шу қоидаларини ҳам этироф этади, яъни, расмий жиҳатдан тасдиқлайди ва ўзида мустақамлаштирилади. Зеро, Конституциямизга биноан шахснинг ҳуқуқ ва бурчларини бир-бирдан ажратиш мумкин эмас. Ақс ҳолда кимнингдир манфаатлари бузилиши, ҳуқуқлари поймол қилиниши мумкин.

Конституцияда фуқаролар зиммасига юклатилган бурчлар айна фуқаролар ҳуқуқларини таъминлашга, жамиятимиз ва давлатимизнинг манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилгандир.

Саломатликнинг саҳидидин, жиноят ишлари бўйича вилоят судининг раиси.



СУРАТЛАРДА: маросимдан лавҳалар. Еркебой БОТИРОВ олган суратлар.

ҚАЛБДА ИФТИХОР БИЛАН

Бахт-икболимиз Комуни — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси кунни арафасида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши 16 ёшга тўлган йигит-қизларга паспорт топшириш маросимини уюштирди. Унга вилоятимиз шаҳар ва туманларида вояга етаётган 74 йигит-қиз тақдиф қилинди.

— Бугунги кунда вилоятимизда 40 мингдан зиёд йигит-қиз паспорт олаётди, — деди вилоят кенгашининг раиси Шухрат Кўчқоров. — Паспортни қўлга олган бу ёшлар ўзларини жонажон Ўзбекистонимизнинг тўла ҳуқуқли фуқаролари деб ҳис қиладилар.

— Ҳаётимда энг азиз, муқаддас бўлган бу шахсий ҳужжатини ардоқлаб сақлайман ва фахр билан олиб юраман, — деди бекободлик Гулнора Очилова.

Шу кунни унинг Анвар Ўтбаров, Азизбек Айтқулов, Малика Абдулова, Арофат Зокирова, Шохруҳ Ганиев сингари тенгдошлари ҳам фуқаролик паспортини олишди. Саид ҲАСАНОВ.

Демократик давлат ва фуқаролик жамияти қуришнинг асосий талабларидан бири ҳар бир фуқаронинг тенг ҳуқуқлилиги, ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатлигини иборатдир.

Шу боис, мамлакатимизда Конституцияни чуқур ўрганиш, амалиётда ундан кенг фойдаланиш орқали фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини янада оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг «Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганиши ташкил этиш тўғрисида»ги фармойиши бу борадаги ишларни янада жадаллаштиришда муҳим омил бўлмоқда. Унда тегишли давлат ва жамоат ташкилотлари

ИСТИҚБОЛ ВА МАҲАЛЛА

Конституцияни ўрганиш дастури асосида ўқув-услубий, илмий-оммабоп воситалар ёрдамида, мутахассисларни кенг жалб этган ҳолда фуқаролар ўртасида Бош қонунимизнинг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини тушунириш ишларини қўчайтириш вазифаси юклатилган.

«Маҳалла» хайрия жамғармасининг вилоят, туман ва шаҳар бўлимлари, маҳаллий фуқаролар йиғинлари ва маҳалла қўмиталари томонидан жойларда «Конституциямиз — бахтимиз пойдевори», «Конституция сабоқлари», «Сиз Конституцияни биласизми?» мавзуларида қизиқarli урашувлар, давра суҳбатлари, баҳс-мунозара ва семинарлар ташкил

этилмоқда. Асосий эътибор жамият ҳаётида фуқароларнинг ўрнини янада мустақамлаш, юртимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар ва демократик жараёнларда уларнинг иштирокини таъминлашга қаратилади.

Демократик жамиятнинг қуриш тамойилларидан келиб чиқиб, давлат ҳокимияти вазифалари фуқаролар идораларига босқичма-босқич ўтказиб келинмоқда. Бу амалиёт ҳаёт тажрибасида ўзини тўла оқламоқда. Бу ишлар республика Президенти томонидан ишлаб чиқилган «Қучли давлатдан — қучли жамият сари» ижтимоий-сиёсий қурилиш дасту-

рининг амалдаги ифодаси сифатида намоён бўлмоқда, десак муболага бўлмайдими. Мазкур жараёнда маҳалла ва қишлоқ фуқаролар йиғинларининг роли ҳамда ваколатлари амалда қучайиб бораётди.

Вилоятимизда 18 та шаҳарча, 146 та қишлоқ, 1294 та маҳалла фуқаролар йиғинлари иш олиб бормоқда. Улар маҳалла одобини шакллантириш, ёшларнинг маънавий қиёфасини тарбиялаб бориш, жиноятчиликнинг олдини олиш, кам таъминланган оилаларни қўллаб-қувватлашга тобора қатъият билан эришаётди. Президентимиз, ҳукуматимиз томонидан маҳаллаларга берилётган янги имкониятлар

бу вазифани кенг қўламли амалга ошириш учун қулай шaroитлар яратмоқда. Маҳалла оқсоқолининг масъулиятлари, фаоллар, олимлар узеиллар, илгор оилалар, мактаб жамоатчилиги, ҳуқуқий ҳимоя қилувчи идораларга таянган ҳолда маънавият ва маърифатни камол топтириш соҳасида муваффақиятли иш олиб бораётди. Натижада, жойларда тадбиркорлик ҳаракати, айниқса, касаначиликка асосланган ишлаб чиқариш ривожланмоқда. Табиийки, бу аҳолининг турмуш даражаси яхшилланиб, маҳалла овод бўлиб боришига имкон туғдирапти.

Камолжон ШОДИМЕТОВ, «Маҳалла» хайрия жамғармаси вилоят бўлими раиси.

Advertisement for 'Kamolot' youth movement. It features the text: 'Тенгдошлар! Озод ва мустақил Ўзбекистонимизнинг азиз ўғил-қизлари! Сизларни Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган куннинг 14 йиллиги билан чин қалбдан қутлаймиз!' followed by motivational phrases like 'Шу қутлуғ айёмда ҳаммангизга сизат-саломатлик, бахт-иқбол, ўқиш ва меҳнатда улкан муваффақиятлар тилаймиз.' and 'Бунинг учун фақат тинмай ўқиш, изланиш, ҳаётда муносиб ўрин эгаллаш учун дадил курашиш лозим.' The background shows a flag and a book titled 'ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ КОНСТИТУЦИЯСИ'.



